Куч — адолатда

АДОЛАТ

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2004 йил 9 июль

№ 25 (468)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятидан

САЙЛОВДАГИ МУВАФФАҚИЯТ – УНГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ

— дейишди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан семинар - тренинг ўтказган Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари

Фуқаролик жамиятиниг пайдо бўлиши эҳтиёжлар, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳаётда амал қилинишини мукаммал равишда ташкил этиш заруриятидан келиб чиққан. Сиёсий институтлар функциялари ва уларнинг фаолият кўрсатиш доираси фуқаролар манфаатлари учун қабул қилинган қонунлар воситаси билан чегараланган бўлиб, уларнинг яшаш ва фаолият кўрсатиши халқ оммаси сиёсий иродалари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги асосида изоҳланади.

Сиёсий партияларнинг бош вазифаси - алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини уйғунлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтариш, шунингдек ушбу уйғунлашган манфаатларни уларнинг ҳаммаси учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлашдир.

Сиёсий партияларнинг сайловда ғолиб чиқишини таъминлайдиган асосий омиллардан бири — партиянинг сайловолди платформаси ҳисобланади. Ҳар бир сиёсий партия ўзининг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги сайловолди дастурини ишлаб чиқиши лозим. Партиялар ўз дастурида халқнинг ҳозирги кундаги долзарб муаммоларини қандай қўйиши ва уларнинг ечимларини ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ҳал этишини кўрсатиб бериши мақсадга мувофиқдир. Агар сиёсий партиялар халқнинг дардини аниқ-тиниқ қилиб кўрсатиб берса ва уларни ҳал қилиш йўлларини топса — халқ ўша партияга ўз овозини беради ва уни сайловда қўллаб-қувватлайди.

Республикамиздаги мавжуд бўлган сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳларнинг қай бири сайловда ғолиб чиқиши асосан партиянинг сайловолди дастурини ишлаб чиқиш даражаси, номзоднинг шахси ва унинг сайловолди дастурига боғлиқ бўлади.

Сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги сайловолди дастурининг мақсади қуйидагиларга асосаниши мумкин.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларидаги устувор йўналишларини белгилаш, бу борада тўсиқ бўлаётган муаммолар ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги ички имкониятларни аниқлаш ҳамда маҳаллий хокимият, жамоат ташкилотлари, тадбиркор ва ишбилармон доиралар вакиллари билан ҳамкорликда уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларини белгилашдан иборат.

Ана шу масалалар юзасидан шу йил 7 июль куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда "Сайлов кампаниясига тайёргарлик" мавзусида семинар-тренинг ўтказди.

Хўш нима учун партиямиз айнан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан яқин алоқа боғлаб, биргаликда сайловолди тадбирларини ўтказяпти, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга жавоб топиш учун Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти мақсад ва вазифалари, фаолияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш лозим.

Институт 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, мустақил нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади. Ўз атрофида фуқаролик жамияти асосларининг ижтимоий-гуманитар ва социал-иқтисодий муаммоларини тадқиқ этувчи йирик олим- таҳлилчиларини жипслаштирган.

Фаолиятининг асосий мақсадлари:

— фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланишига кўмаклашиш;

— давлат ва жамиятни бошқаришдаги аҳолининг роли ва ҳуқуқларини кенгайтириш;

— ижтимоий ҳаётидаги демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш;

— мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқ ва равшанлигини таъминлаш;

— фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва ижтимоий онгини ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот лойиҳалари:

— ривожланган давлатлар тажрибаси;

— менталитет, анъаналар, миллий ва тарихий хусусиятлар таъсири;

— фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқисодий асосларини шакллантириш;

— ҳуқуқий давлат муаммолари;

— сўз эркинлиги, фуқаролик ва сиёсий эркинликлар фаолиятини таъминлаш;

— миллатлараро ва конфессияларо муносабатлар;

— парламентаризм ва сайлов тизимлари муаммолари;

— нодавлат ва жамоат демократик институтларининг фаолияти;

— фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларига бағишланган.

Шунинг учун ҳам институт жамоаси Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган сайловларга жуда катта аҳамият беряпти. Сиёсий партияларга сайловларни ўтказиш, сайловолди дастурларини тузиш, уни кенг халқ оммаси олдида тарғиб қилиш орқали кўпроқ овоз олишга, жаҳонда илғор мамлакатлар тажрибасига таянган холда киришишга кўмаклашаяпти. Шу йўлда барча сиёсий партиялар билан тадбирлар ўтказмоқда.

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда бўлиб ўтган семинар-тренинг алоҳида аҳамият касб этди.

— 1999 йилда бўлиб ўтган сайловда партиямиз Олий Мажлисдаги 250 нафар депутатлик ўрнига 160га яқин вакилини қўя олди, — деди семинар-тренингни бошқарган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминов. —Яъни, барча округлар бўйича партиямиз фаоллари ичидан муносиб номзодлар топа олмадик. Натижада тажрибанинг етишмаслиги, сайловолди ташвиқотини кўнгилдагидек олиб бора олмаганлигимиз туфайли ҳам Олий Мажлисда 11нафар вакилга эга бўлдик холос.

Мана орадан анча вақт ўтди. Партиямиз аъзолари сони анча ортди. Ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Сиёсий тажрибаси юксалди. Демак, энди ана шу тажрибани ишга солишимиз, анча фаол ҳаракат қилишимиз лозим. Сусткашлик қилиб, хотиржамликка бериладиган бўлсак, бошқа партиялар улоқни олиб кетиши мумкин. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Чунки бу галги сайловларда кескин кураш бўлади. Сабаби, ҳозир сиёсий майдонда бешта партия фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари мандатлар сони ҳам қуйи палатага икки барбардан зиёд камайган. Шундай шароитда ғолиб бўлишнинг ўзи бўлмайди. Олдимизда мураккаб вазифалар турибди. Уларни тўлиқ амалга ошириш учун фақат иштиёқ ва хохишнинг ўзи камлик қилади. Тинимсиз, режали иш ташкил қилиш керак. Фаолиятимизни самарали амалга оширишда эса, бизга жаҳондаги илғор тажрибалардан яхши хабардор бўлган олимлар, мутахассислар билан ҳамкорлик катта ёрдам бериши мумкин.

(Давоми 2-бетда)

Партия ахбороти

ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бекобод шаҳар ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда шаҳар партия Кенгашининг ҳисоботи муҳокама қилинди, Кенгашнинг янги таркиби ва вилоят партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди.

Бекобод шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби этиб шу вазифани сидқидилдан бажариб келаётган Гулзира Шарипованинг ўзи сайланди.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Сурхондарё вилоят партия Кенгаши Термиз шаҳридаги Алишер Навоий, Жайҳун ва Фарҳод маҳаллаларида "Меҳр ва мурувват йили"га бағишланган ҳайрия тадбирларини ўтказди.

Тадбирларда вилоят партия Кенгаши аъзолари маҳалла оқсоқоллари билан учрашдилар, маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар билан танишдилар. Маҳаллалардаги кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож қарияларга дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Қолаверса Кенгаш томонидан Жайҳун ва Фарҳод маҳаллаларини ободонлаштиришга қурилиш ашёлари ва керакли автотранспорт воситаси ажратилиб берилди.

СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Бойсун туманидаги "Болалар уйи"да ҳам "Адолат" СДП вилоят Кенгаши томонидан хайрия тадбири ўтказилди.

Болаларга турли ширинликлар билан безатилган дастурхон ёзилиб, улар ширин овқатлар билан меҳмон қилинди. Тадбирда тумандаги ота-онасиз 60 нафар етим қолган болаларга партиянинг совғалари топширилди.

ТАЪСИРЧАНЛИК ОШИРИЛАДИ

Косон ва Қарши туман партия ташкилотлари фаолларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Йиғилишларда Қашқадарё вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби А.Абдуназаров 13 майда Тошкентда партия фаоллари йиғилишида қабул қилинган "II-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси якунлари бўйича "Адолат" социал-демократик партиясининг қўшимча тадбирлари режаси"да кўрсатилган ташкилий, тарғибот ишлари тўғрисида йиғилганларга гапириб берди.

Муҳокамада сўзга чиққан Косон туман партия Кенгашининг биринчи котиби А.Жўраев ва бошқалар олиб борилаётган партиявий ишлар ҳақида тўхталиб партиядошларни ишлар кўлами ва таъсирчанлигини янада оширишга чақирдилар.

Феруза ЖАЛИЛОВА

ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида магистратурани тамомлаган талабаларга дипломлар топшириш маросими ўтказилди.

Мазкур ўқув даргоҳида 2001 йилдан буён магистрлар тайёрланиб келинмоқда. Ўтган тўрт йил давомида мингдан ортиқ магистрлар муваффақиятли диссертация ҳимоя қилишди. Бу йил ҳам турли йўналишлар бўйича 407 нафар талабага магистрлик илмий даражаси топширилди. Битирувчиларнинг 32 нафари аъло даражадаги диплом иши тайёрлаганлиги учун университет илмий кенгаши томонидан имтиёзли дипломга тавсия этилди. Ушбу магистрларнинг диссертация ишлари мавзуларининг аксарияти ижтимоий-сиёсий соҳаларнинг долзарб муаммоларини ечишга қаратилган.

Маросимда магистрлар университет профессор-ўқитувчиларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди. Университет ректори Тўрабек Долимов сўзга чиқиб, битирувчилар учун ҳамиша илм даргоҳи эшикларининг очиқлиги, хоҳловчилар эса университетда қолиб илмий иш қилишлари ёки талабаларга дарс беришлари мумкинлигини таъкидлади.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
"Туркистон-пресс"

"Ғалла-2004"

РИЗҚИ БУТУН ХАЛҚМИЗ

Самарқанд вилояти ғаллакорлари давлатга 250 минг тонна ғалла сотиб, бу борадаги шартномавий режани ортиғи билан уддаладилар.



Кейинги йилларда ғаллачилик вилоят қишлоқ хўжалигида рентабелли соҳага айланиб бормоқда. Ҳосилни етиштириш ва уни ўриб-йиғиб олиш билан боғлиқ агротехник тадбирлар қулай муддатларда пухта амалга оширилаётгани ва меҳнатга манфаатдорлик билан ёндашилаётгани юксак натижаларга эришиш имконини бермоқда. Самарқандлик ғаллакорлар бўлғуси экин учун, аввало, ерни тайёрлаш ва уруғлик нав танлашга алоҳида эътибор беришмоқда. Хусусан, бу йилги шароитда асосий майдонларда жойлаштирилган "Половчанка" ва "Крошка" навларидан 55-60 центнердан ҳосил етиштирилди. Жами ғалла хирмони эса 605 минг тоннадан ошиб кетди.

Ғаллачиликда ўзига хос тажриба мактабини яратган Пастдарғом, Пойариқ, Иштихон, Оқдарё туманлари миришкорлари бу йил ҳам вилоят хирмонига салмоқли улуш қўшдилар. Бу туманлардаги ўнлаб ширкат ва фермер хўжаликларида ҳосилдорлик гектар бошига 65-70 центнерни ташкил этди. Табиийки, ғаллакор хўжаликларнинг даромади шунга яраша юқори бўлмоқда. Ёки вилоят бўйича бу йил ғаллачиликдан 41 миллиард 816 миллион сўм даромад олиш кутилмоқда.

— Соҳадаги ислоҳотларнинг муваффақиятини шу билан изоҳлаш мумкинки, четдан буғдой, ун сотиб олмай аксинча уни ўзимиз хорижга экспорт қилаяпмиз, – дейди Жума дон корхонаси раҳбари Уктам Алланазаров. — Йил бошидан буён валюта ҳисобига 40 минг тонна маҳсулот сотдик. Бундан давлат ҳам, корхона акциядорлари ҳам катта манфаат кўришмоқда.

Вилоятда ҳали ҳосили ўриб-йиғиб олинмаган майдонлар кўп. Шу боис мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланилиб мавсумни тез кунларда ниҳоясига етказиш, ялпи хирмон салмоғини янада оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Зоҳир ТЎРАКУЛОВ,
"Адолат" мухбири.

Суратда: Самарқанд туман машина-трактор паркининг моҳир комбайнчиси Мавлон Эшонқулов ғалла ўримида пешқадамлик қилаяпти

Қарор ва ижро

"Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга..."

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 39-модда).

ТАЪМАГИРЛИК САХОВАТ ЭМАС

Мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун ҳимоясидадир. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига моддий ёрдам кўрсатиш учун давлат бюджети томонидан маблағ ажратилиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Савол туғилади: Бухоро вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси тизимидаги мурувват ва меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлари ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларида бу тоифа аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар мақсадли сарфланаяптими?

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда текшириш ўтказилди.

Маълум бўлишича, Бухоро шаҳридаги аёллар мурувват уйида 255 нафар, эркаклар мурувват уйида 216 нафар, Қорақўл туманидаги эркаклар мурувват уйида 161 нафар бемор даволанмоқда.

Вилоятдаги мурувват уйлари ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларида ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламига моддий ёрдам кўрсатиш учун ажратилаган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан тегишли соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ўтказилган текширишлар жараёнида ўзлаштириш, талон-тарож қилиш ва айрим кўринишдаги бошқа қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Қорақўл туманидаги эркаклар мурувват уйи маблағларидан фойдаланиб қолишдан ор қилмаган, муассасанинг ёрдамчи хўжалиги бошқарувчиси — ферма мудири Х.Эрназаров ўғли — тумандаги "Мирзабек-А" фермер хўжалиги раҳбари Д.Эрназаров билан мурувват уйига қарашли 36 гектар ер майдони, турар жой, молхона ва бошқа биноларни йиқитиб, қурилиш материалларини сотиб, 2 миллион 233 минг сўмдан зиёд мол-мулкни талон-тарож қилиб юборишган.

"Ўрага сичқон тушди гулдурғуп, тилимиз бир, ишимизга пухта бўлсак сир очилмас", деган хом-хаёлга борган жиноятчилар қонуннинг ўткир нигоҳидан қоча олмадилар.

Жамоа, одамлар ишончини оёқ-ости қилиб келган жиноятчилар қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади. Мазкур мурувват уйида раҳбарга хос талабчанлик, масъулият унутилмаганида эди, балки муассаса бўлимларидаги юмшоқ жиҳозлар таъмирланган, сочиқ ва чойшаблар эскириб кетмаган бўларди. Тиббий-физиотерапевтик муолажалар учун мутахассис ажратилиши пайсалга солинмасди.

Тиббиёт ишлари бўйича ўринбосар Ж.Ўринов дори-дармонлар музлатгичда сақланмаса сифати бузилишини, дератизация ишлари етарли даражада олиб борилмаслиги инсон соғлиги, ҳаёти учун зарарли эканлигин билмайди, дейсизми?

Шахсий манфаат йўлида жони ҳалак мутасаддилар камчилик ва нуқсонлар "илдиз отиб" кетишига парво қилишмаган.

Ушбу муассасада ёнғин хавфсизлиги қоидаларига рия қилиниши ҳам қонунсиз аҳволда. Маъмурий бино, даволаш бўлими ҳамда касаллар ётоқхонаси ўт ўчириш воситалари билан тўлиқ таъминланмаган. Фавқулодда ҳолат содир бўлганда қутқарув режаси ишлаб чиқилмаган. Биноларга ўтказилган электр симлари ҳимоя қопламасининг чидамлилиги синовдан ўтказилмаган. Заҳира эшиклар енгил очилувчан ҳолатга келтирилмаган, ёнғинга қарши сув ҳовуз номигагина турибди. Овқат тайёрлаш ва иситиш қозонларига, газ мосламасига хавфсизлик автоматикаси ўрнатилмаган. Юқорида қайд этилган қонунбузилиши холатларини келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш ва бартараф қилиш тўғрисида 2004 йил 2 март куни вилоят прокуратураси томонидан мурувват уйи раҳбари номига тақдимнома киритилди.

Афсуски, вилоятдаги аёллар мурувват уйи ҳам камчиликлардан холи эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 12 октябрдаги "Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкиллаштириш масалалари тўғрисида"ги қарорлари талабларининг бажарилиши қониқарсиз.

(Давоми 2-бетда)

Матбуот анжумани

«ЭР ФРАНС» ТОШКЕНТНИ ДУНЁ БИЛАН БОҒЛАДИ

Франциянинг бу авиакомпанияси жаҳон бўйлаб 230 йўналишда ҳаво парвозларини амалга оширади.

Шундай йўналишлардан бири шу йил 19 июндан бошланган Париж — Тошкент, Тошкент — Париж йўналиши бўлди. Унинг тасарруфида 550 дона замонавий самолётлар бўлиб, кунига 2300 тагача қатнов бажарилади. Йилига 66 миллион йўловчига хизмат кўрсатади. 106 минг нафар ишчи, хизматчи ва ходимларга эга.

Йиллик молиявий айланмаси 19 миллион еврони ташкил этган мазкур компания вакиллари иштирокида «Ле Меридиан Тошкент» меҳмонхонасида ўтган матбуот анжуманида ана шу маълумотлар алоҳида қайд этилди.

Анжуманда «Эр Франс»нинг йўналишлар шохобчаси ва маркетинг масалалари бўйича Бош директори ўринбосари компания фаолиятининг келгуси истиқболлари ҳақида ҳам сўзлаб берди. Жумладан, яқин вақт ичида «Дедикайт» деб номланган авиа-алоқа йўналишлари асосида Ўзбекистон — Франция билан тўғридан-тўғри боғланиш имконига ҳам эга бўлади.

Феруза ИСАЕВА

Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятидан

САЙЛОВДАГИ МУВАФФАҚИЯТ – УНГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ

— дейишди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан семинар-тренинг ўтказган Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Жуда тўғри фикр, — дея маъқуллади партия раҳбарининг гапларини Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори, профессор Аъзамжон Раҳмонов. — Маълумки, ҳар бир сиёсий партиянинг пировард мақсади сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишдир. Ҳокимиятни қўлга киритган партиягина сайловолди платформасида белгилаган вазифаларни, сайловчилар билан бўлган мулоқотларда берган ваъдаларини амалга ошириши мумкин. Акс ҳолда улар қоғозлардаги шунчаки ёзув, оғзидаги қуруқ сўз бўлиб қолаверади.

Шундай бўлмаслиги учун сайлов кампаниясини оқилона ташкил этишгина муваффақиятга олиб келиши мумкин. Институтимиз олимларининг аксар қисми "Парламентаризм ва сайлов тизимлари муаммолари" бўйича самарали тадқиқотлар олиб боряптилар. Шу сабабли ҳам улар билан ҳамкорлик қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Қизғин мулоҳазаларга бой бўлган семинар-тренингда Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси Сиёсий Кенгаши иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов сўз олиб, семинар-тренинг партия сайловолди ишларини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Шунингдек, у бундай тадбирлар барча оммавий ахборот воситалари, қолаверса, радио, телевидениеда батафсил ёритиб борилса номзодлар учун ҳам, сайловчилар учун фойдали бўлишини айтиб ўтди. Ўз навбатида сайловлар билан боғлиқ янги қонунларнинг мазмунмоҳиятини кўпроқ тарғиб қилиш, сайловларни ўюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган телекўрсатув ва радио эшиттиришларни ташкил этиш, шу билан биргаликда сайловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кўпроқ тушунтириб бориш, партияларнинг сайловолди дастурларини тарғиб этишга асосий эътиборни қаратиш лозим. Нотиқ таъкидлаганидек, муносиб номзодларни кўрсатсак ва улар сайловларда ютиб чиқишса партиямизнинг обрў-эътибори янада ортади.

Семинар-тренингда сиёсатшунослик фанлари номзоди Қодир Жўраевнинг маърузаси анча фойдали бўлди.

Кўппартиявийлик амалиёти: тажриба ва миллий хусусиятлар

— Мамлакатимиз тарихида биринчи марта икки палатали парламентга ўтказилаётган сайловларга жаҳон афкор оммаси, кенг жамоатчилик катта қизиқиш билан қарамоқда, — деди Қодир Жўраев ўз маърузасида. — Шу боис ҳам бўлиб ўтажак сайловлар мазкур сайловларда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг асл демократик қонунларга, қоидаларга, анъаналарга қай даражада моил эканликларини ишончли тарзда намойиш этмоғи даркор.

Маълумки мамлакатимизда бундан олдин бўлиб ўтган сайловлардан кейин (1999 йилан бери) қуйидаги ўзгаришлар содир бўлди:

1. Сиёсий ўзгаришлар, яъни, янги сиёсий партия — ЎзЛиДеП ташкил этилди. Натижада мавжуд сиёсий партиялар ўртасида ҳокимият учун курашда рақобат муҳити юзага келди.

2. Иқтисодий ўзгаришлар. Энди хусусийлаштириш жараёни чуқурлашиб, ҳал қилувчи босқич юзага чиқди. Кичик ва ўрта бизнес ривожланди. "Ўрта синф шаклланиши" авж олди.

3. Ҳуқуқий ўзгаришлар туфайли сайловлар тўғрисидаги қонунчилик мустаҳкамланди, яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сайловлар тўғрисидаги қонунининг янги таҳрири, Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида қонун қабул қилинди. Юқори палата-Сенатга сайловлар тартиби белгиланди.

4. Конституцион ўзгаришлар натижасида икки палатали Парламент ташкил қилиш саъй-ҳаракатлари бошланди. Президент ваколатларининг бир қисмини Парламентга ва Вазирлар Маҳкамасига бериш ҳақидаги муҳим ташаббуслар олға сурилди.

Ана шундай вазиятда бўлажак сайловларга тайёргарлик қаттиқ рақобат руҳида кечиши мумкин. Рақобатга дош бериш, фақат дош берибгина қолмай, рақибидан устун келиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун сиёсий партияларнинг ҳар томонлама пишиқ-пухта қилиб, халқнинг орзу умидларини ифодалайдиган, фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини акс эттирадиган сайловолди дастурларини тузиш муҳимдир.

Партия ташкилотларининг сайловолди дастури

— Сайловларда муваффақият қозонишнинг асосий шартларидан бири сиёсий партияларнинг сайловолди дастури қандай тузилганига боғлиқ, — деб сўз бошлади семинар-тренингда фалсафа фанлари номзоди Муҳиддин Примов. — Дастур агар кенг жамоатчиликка тушунарли, кўпчиликнинг онгига тез етиб борадиган бўлса, шунингдек, унда баён этилган вазифаларнинг амалга ошишига халқ ишонса, шунча кўп тарафдорларга эга бўлади.

Шу сабабли ҳам партия сайловолди дастурини ишлаб чиқишда устувор йўналишларни белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, "Адолат" социал-демократик партияси **биринчи устувор йўналиш сифатида:**

— Ўзининг сайловолди дастурида Республикамизнинг мустақиллиги ва мустақил тараққиёт йўлимизни акс эттириши керак. Шунингдек, мустақил тараққиёт йўлимизда бугунги кунда қандай тамойилларни илгари сурмоғимизни кўрсатиш лозим.

Иккинчи устувор йўналиш сифатида:

— Мамлакатимизда хавфсизлик, барқарорлик, ҳудудий яхлитлик, чегараларимиз дахлсизлиги, фуқароларимиз тинчлиги ва хотиржамлигини таъминлаш масалалари.

Учинчи устувор йўналиш сифатида:

— Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва қудратли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор мувозанатлашган иқтисодиётни шакллантириш учун эркин иқтисодиёт тамойилларини рўёбга чиқариш.

Тўртинчи устувор йўналиш сифатида:

Амалда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган демократия тамойиллари, оммавий ахборот воситалари ва сўз эркинлиги, шунингдек, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш.

Бешинчи устувор йўналиш сифатида:

— Кучли давлатдан — кучли жамият сари тамойилини амалга ошириш.

Олтинчи устувор йўналиш сифатида:

— Суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотлар.

Еттинчи устувор йўналиш сифатида:

— Инсон қадр-қиммати, барча ислоҳотларнинг амалий натижасида инсон олий қадрият бўлмоғи лозимлиги акс этмоғи даркор.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятларида юқоридаги устувор йўналишларни белгилаб олганларидан сўнг улар асосида ўзларининг сайловолди дастурларини ишлаб чиқишлари лозим бўлади.

Бунда, аввало, партиянинг сайловолди дастури концепциясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Дастурни ишлаб чиқишда жамиятдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, мазкур муаммоларни ҳал этиш йўллари ва усулларини аниқлаш ва шулар асосида партиянинг сайловолди дастурини тайёрлаш керак. Дастур тайёр бўлгач, уни оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама этиш ва аҳоли турли қатламларини партия дастурига нисбатан муносабатини билиш даркор. Ана шундан кейингина уни қайта ишлаб, такомиллаштириб тарғибот ва ташвиқот қилиш керак.

Сайлов кампаниясининг штаби

— Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси катта синов арафасида турибди, — дея ўз сўзини бошлади Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши котиби, Олий Мажлис депутати Дилором Тошмуҳамедова. — Агар биз сайловда кўп овоз ололсак, партиямизнинг элюрт ўртасида обрў-эътибори ортади. Етакчи сиёсий кучлардан бирига айланиб, Ўзбекистонни ҳар томонлама кенг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига салмоқли ҳиссасини қўшади.

Бунинг учун, аввало Парламентга муносиб номзодларни танлашимиз ва деярли ҳаммаси ғолиб чиқиши учун астойдил курашмоғимиз керак. Ана шу йўлда Сайлов кампаниясининг штабларини тузиш ва унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Хўш, сайлов кампанияси штаби деганда нимани тушунишимиз ва унинг фаолият йўналишлари қандай бўлиши кераклиги ҳақида қандай тасаввурга эга бўлишимиз лозим.

Сайлов кампаниясининг штаби маълум бир номзоднинг сайловдаги фаолият жараёнини бошқариш органи ҳисобланади. У унча расмий бўлмаган вақтинчалик ташкилот бўлиб, номзод тарафдорлари хатти-ҳаракатини тартибга солади ва ягона мақсад йўлида йўналтиради.

Штаб ўз таркибига партия аъзоларини, номзод тарафдорларини, ҳамфикрлар гуруҳи, сиёсий маслаҳатчилар имиджмейкерлар, ишончли вакиллар ва бошқаларни бирлаштиради. Улар ичида ишончли вакилнинг алоҳида ўрни бор. Чунки, у жамоатчилик билан бўладиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилади. Шунинг учун ҳам ишончли вакиллар халқ ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, ҳаётни яхши билган, малакали, билимли, тажрибали кишилар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Сайлов кампаниясининг штаби ўз ичига бир қанча тузилмаларни олади. Масалан, **ахборот таҳлил бўлимини олайлик.** Ушбу бўлим номзоднинг сайлов кампанияси стратегияси ва тактикасини белгилайди. Номзоднинг сайловолди дастурини тайёрлайди. Ҳудуддаги электорат фикрини чуқур ўрганади. Рақиблар дастурлари билан ҳар томонлама танишади. Шу асосда лозим бўлганда номзоднинг сайлов кампаниясидаги стратегияси ва тактикасига зудлик билан тегишли таҳриллар киритади.

Матбуот бўлимига қуйидаги вазифалар юкланган:

Номзоднинг дастури, фаолияти билан боғлиқ жонли, таъсирчан маълумотлар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида чоп этишга кўмаклашиш, шунингдек, бўлим ходимлари телевидение, радио, газета ва журналларда номзоднинг чиқишини ташкил этадилар. Бундан ташқари оммавий ахборот воситаларида номзод билан бўладиган мулоқотларни тайёрлашади. Оммавий ахборот воситаларини синчковлик билан кузатиб номзод рақибига оид барча маълумотларни тўплайдилар, таҳлил этадилар. Лозим бўлганда ўринли чора-тадбирлар қўллайдилар.

Штабнинг **жамоатчилик билан ишлаш бўлими** ҳам мавжуд бўлиб, унинг фаолият доирасига Округ сайлов комиссияси, сайлов участкалари, ҳудудий давлат идоралари, корхона ва ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла, фуқаролар йиғини сайловчилар билан бевосита алоқа боғлаш, иш жараёнини ташкил этиш киради.

Штабда **котибият** ҳам тузилади. Котибият номзоднинг маъруза матнларини тайёрлайди. Телефон мулоқотларини олиб боради. Сайловолди учрашувларини ташкил этади. Сайлов билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиради ва бошқа зарур, керакли ишларни амалга оширади.

Албатта, штаб аъзолари ўз ишларини самарали олиб боришлари учун шарт-шароит яратиш муҳимдир. Бунинг учун, аввало, умумий майдони 20 квадрат метрдан кам бўлмаган 2-3 хонали бинога эга бўлиши керак. Хоналарга ёрдамчи жиҳозлар билан бутланган компьютер, ксерокс, факс, телефон, сейф, камера, видеомагнитофон, телевизор, касеталардан иборат видеокомплекс, мобил алоқа воситалари қўйилиши зарур. Шунингдек, штаб учун автомобиллар, бошқа зарур офис анжомлари лозим бўлади.

Штабда бўлган одам бу ердан **график маълумотлар,** яъни, округнинг жуғрофий харитаси, округнинг сайлов харитаси, маданий-маиший муассасалар, почта тармоқлари, мактаб, кутубхоналар харитаси билан танишиш имкониятига эга бўлмоғи лозим. Шунингдек, бу ердан **ахборот манбалари,** яъни, барча телефон маълумотлари, сайловчилар рўйхатлари (ўтган сайловдаги), сайлов комиссияси ҳужжатлари нусхалари, ҳудуддаги турли давлат ва маҳаллий ташкилотлар раҳбарларининг рўйхати ва телефонлари бўлиши талаб этилади. Шунингдек, ҳудуддаги корхона ва муассасалар рўйхати ва телефонлари тайёр бўлиши керак.

Семинар-тренингдаги маърузалардан кейин тадбирда ҳозир бўлганлар тўрт гуруҳга бўлиниб, сайловолди стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, штаб ва бутун команданинг самарали ишлашини ташкил этиш, сиёсий жараёнларга холис баҳо бериш, мавжуд ресурслар ва имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш бўйича амалий ўйинлар уюштиришди.

Баҳс-мунозарага бой бўлган семинар-тренинг сўнгида шундай тадбирларни вилоят, шаҳар, туман партия ташкилотларида ҳам ўтказишга келишиб олинди.

Каримжон РИХСИЕВ,
"Адолат" мухбири

Ислоҳот ва самара

МАҚСАДИМИЗ — ЭЛГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ

— дейди «Халқ банки»нинг Паркент туман бўлими бошқарувчиси Руҳиддин ТУРСУНОВ

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий барқарорликни таъминлашда банкларнинг алоҳида ўрни бор. Хусусан, «Халқ банки»нинг туманлардаги бўлимлари аҳолига ойлик-маошлар, пенсия, моддий ёрдам пулларини тарқатиб, зиммасидаги вазифани сидқидилдан адо этмоқда. Бинобарин, мазкур банкнинг тизимларида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, банк ходимлари жойларда қулай ва фойдали банк хизматларини вужудга келтиришаётир. Натижада банк мижозларининг сони кун сайин ортиб боряпти. «Халқ банки»нинг Паркент туман бўлими бошқарувчиси Руҳиддин Турсунов ушбу муассаса томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

—Ҳозирги кунда бизнинг энг асосий вазифамиз туман аҳолисига сифатли ва фойдали хизмат кўрсатиш турларини ишлаб чиқиб, мижозларимиз сонини кўпайтиришга қаратилган.Саноат ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратиш ва бу орқали, иш ўринларини кўпайтиришга эришишдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 264 ва 280 - сонли қарорларини ижросини сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун барча чораларни йўлга қўйдик. Аҳоли ва тадбиркорларнинг банк бўлимига бўлган ишончини оқлаш йўлида тинимсиз изланаяпмиз.

Бўлимимиз, 2002 ва 2003 йил давомида 3 та ёқилғи қуйиш шахобчалари қурилиши учун кредитлар ажратиб берди. Бу ёқилғи қуйиш шахобчалари бугунги кунда аҳолининг ёқилғи мойлаш материалларига бўлган эҳтиёжини қондирмоқда.

Туман ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳолининг коммунал тўловлари ва дебиторлик қарзларининг кескин камайишига эришилди. Шу ўринда яна бир гап. Банкнинг нуфузини ошириш учун нақд пул маблағларини кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Биргина ўтган ярим йилликда 294,240,0 минг сўм коммунал тўловлар учун нақд пул банк кассаларига келиб тушди. Нақд пул тушуми эса 953 миллион 964 минг сўмга етказилди. Мазкур кўрсаткич жамоамизнинг тинимсиз ва машаққатли меҳнатлари самарасидир. Ҳозирги кунда бўлимимиз юридик ташкилотлардан 57 нафар ва хусусий тадбиркорлардан 64 нафарига банк хизматларини кўрсатмоқда. Доимий мижозларимизга 37 миллион 900 минг сўм кредит ажратилди. Шу билан бир қаторда бўлимимиз бюджет ташкилотлари бўлган 7 та мактаб ва 2 та болалар боғчаси, 18 та маҳалла фуқаролар йиғини, 9 та қишлоқ фуқаролар йиғинларига ойлик маошларини, пенсия, моддий ёрдам пулларини ўз вақтида ойма-ой тўлаб боришга эришилди. Шу билан биргаликда, банкимиз коммунал ва савдо тўловларини ҳам бюджетга ўз вақтида тўланишини таъминлаб бормоқда. Жумладан, давлат бюджетига хусусий тадбиркорлардан коммунал тўловлари учун 294 миллион 240 минг сўм қабул қилинди ва тегишли ташкилотлар ва корхоналарга ўз вақтида нақд пулсиз уларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди.

Қолаверса, аҳолининг қўлидаги бўш пул маблағларини ҳар томонлама манфаатли бўлган омонатларга жалб этиш бўйича ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Йил бошидан ҳозиргача 11 миллион 345 минг сўм муддатли омонатларга аҳолидан пул маблағлари келиб тушди. Келажакда аҳолини омонатларини қўйиш ва олишда қулайлик яратиш мақсадида кўчма омонат кассаси жорий этиш ва натижада ҳар бир омонатчининг буюртмаси асосида уларнинг иш жойларига, уйларига махсус автомашина орқали хизмат кўрсатишни режалаштирмоқдамиз...

Нимаики ютуқларга эришган бўлсак буларнинг замирида жамоамизнинг бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилгани ётибди. Албатта, иш бор жойда камчилик ва муаммолар бўлиши табиий. Бунинг учун келгусида мижозларимизга жаҳон стандартлари талабларига мос келадиган замонавий техника ва технологиялар орқали банк хизматлари кўрсатишни режалаштирганмиз.

Суҳбатдош:
Вилоят ШОДИЕВА,
«Адолат» мухбири.

Суратларда:банк мижози — 33-АЁҚШ ходими ва мазкур шахобчага қарашли бинонинг ташқи кўриниши.

«Тоштўқимачи» очиқ акциядорлик жамиятининг 2-йигирув фабрикасида меҳнат қилаётган ёшларнинг ютуқларидан бутун жамоа мамнун бўлмоқда. Ўз ишига масъулият билан ёндашиб, сифатли маҳсулотлар тайёрлашаётгани боис улар шундай шарафга эришишаяпти. Қолаверса, корхона ютуқларини бойитишга ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Суратда: фабриканинг йигирув цехи илғор ишчилари Умида Суярова билан Нигора Азимова иш пайтида.

Спорт хабарлари

КИМ ҚАНЧА ОЛАДИ?

Куни кеча Euro-2004 баҳслари ниҳоясига етгач, Guardian нашри чемпионатда қатнашган терма жамоалари бош мураббийларининг қанча миқдорда маош олишини чоп этди.

Маълумотларга қараганда, футбол ортидан мўмай даромад қиладиганлар рўйхатини швециялик таниқли мутахассис, Англия терма жамоаси бош мураббийи Свен-Ёран Эрикссон бошқармоқда. У бир йилда тўрт миллион фунт стерлинг (6 млн. евро) олади. Германия футбол уюшмаси эса бош мураббий Руди Феллерга 2,4 миллион евро миқдорида пул тўлайди. Европа чемпионати финалчиси Португалия терма жамоаси етакчиси, бразилиялик мураббий Луис Фелипе Сколари ҳамда Италия терма жамоаси бош мураббийи Жованни Траппатонилар бир йилда 1,6 миллион евро миқдорида маблағ ишлаб олади. Қолган бош мураббийларга бериладиган иш ҳақи эса миллионга етмайди: Иньяки Саэс (Испания) — 971 минг, Жак Сантини (Франция) — 523 минг, Отто Рехагель (Греция) — 149 минг, Карел Брюкнер (Чехия) — 105 минг евро.

ҚОСИМЖОНОВНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ

Шу кунларда Триполи (Ливия)да ўтаётган шоҳмот бўйича жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди. Айни пайтда дунёнинг 56 давлатининг 128 нафар энг кучли шоҳмотчиларидан сараланган икки «лашкарбоши» финал учрашувида дона сурмоқда.

Финалчиларнинг бири Ўзбекистоннинг энг кучли гроссмейстери Рустам Қосимжонов эканлиги барчамизнинг қалбимизни ғурур-ифтихор тўлдириши шубҳасиз, албатта. Ҳамюртимиз мусобақа давомида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, ҳозирда англиялик Майкл Адамс билан жаҳон чемпионлигини қўлга киритиш учун баҳс юритмоқда. Мусобақа низомига кўра, финал учрашуви олти партиядан иборат. Айни вақтгача мазкур баҳснинг икки партияси ортда қолди. Илк партияда Рустам қора доналар билан ўйнаб, дурангга эришганди. Иккинчи партияда ҳамюртимиз бор маҳоратини намойиш этиб, ғалаба қозонди. Ҳозирча икки партиядан сўнг, Рустам Қосимжонов олдинда бормоқда — 1,5:0,5.

Жаҳон чемпиони номи 13 июль куни маълум бўлади. Агар финалнинг асосий олти партиясида дуранг натижа қайд этилса, унда ғолиб икки партиядан иборат тайбрекдан сўнг аниқланади.

Собир БОБОМУРОДОВ

Қарор ва ижро

ТАЪМАГИРЛИК САХОВАТ ЭМАС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Акцияорлик тижорат "Пахтабанк"нинг Олот туман бўлими бош ҳисобчиси Раҳмон Ҳамроевнинг хурмача қилиғини эшитиб, беихтиёр ёқа ушлайсиз. У 2002 йилнинг 1 май куни ушбу банк муассасасига фуқаро Қурбон Тўраев томонидан турмуш ўртоғи, 1-гуруҳ ногирони Ҳамрогул Раҳимова номидаги "Қарияларнинг қадр-қиммати" жамғармаси ҳисобрақамига қўйилган 1 миллион 90 минг сўм пулни унинг ишончини суистеъмол қилиш йўли билан банкдан олиб ўзлаштириб, писиб юрмоқчи бўлган кўринади. Аммо ногирон, ҳимояга муҳтож Ҳ. Раҳимовага тегишли бўлган маблағни бош ҳисобчи ўмаришга йўл қўймади.

Президентимиз бежизга "Қонун устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий, сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас", дея айтмаганлар.

Тумандаги "Бухоро" ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан хўжалик аъзолари О.Бешимова ва бошқаларнинг икки ёшгача бўлган болалари тарбияси учун тўланиши лозим бўлган 4 миллион 940 минг 250 сўмлик нафақа тўловлари ўз вақтида тўланмасдан келинаётганлиги, ҳуқуқлари поймол этилаётгани уларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Қоракўл туман марказий касалхонаси томонидан 2003 йилда ўтказилган тиббий кўрик натижасида кекса ногиронлардан 6793 нафари амбулатория шароитида, 1513 таси уй шароитида ҳамда 1340 нафари касалхонада даволанишга муҳтож деб топилган эди. Уларга қонун талабига биноан доринома ёзиб берилган. Аммо кекса ногиронлар дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланмаган, даволаниш жараёнида физиотерапия муолажалари ўтказилмаган. Чунончи, Қоракўл шаҳрида яшовчи Б.Раҳимов ва М.Юсуповларга бепул олиш керак бўлган дори-дармонлар берилмаган, Р.Ортиқов ва Х.Муродовлар юрак хасталиги бўйича ЭКГ кўригидан ўтказилмаганлиги буни тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Ромитан туман "Қўрғон" қишлоқ фуқаролари йиғини томонидан фуқаро Ш.Ибодовага 16 ёшга тўлмаган 4 нафар боласи учун нафақа тайинланган. Гарчи, унинг 1987 йил 8 январда туғилган 1 нафар боласи 2003 йил 8 январь куни 17 ёшга тўлган бўлса-да, март ойида ҳам барча болалари учун нафақа тайинланиб, 10.790 сўм бюджет маблағи нотўғри тўланган. "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Г.Салимова 2003 йилнинг май-июль ойларида "Солибобо" фермер хўжалигида ишлаб иш ҳақи олган бўлсада, унга она сифатида шу ойларда 32640 сўм миқдорида нафақа тўланган. Ушбу қонунсиз берилган нафақа тўловлари бюджет фойдасига кирим қилиниб қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Айтиш жоизки, фуқаролар мурожаатларига эътибор фуқаролар йиғинлари томонидан нафақа тайинлаш нафақа тўловларини ўз вақтида бериш масалаларида Ромитан, Когон, Пешку туманлари ҳамда Бухоро шаҳридаги мутасаддилар ҳам нуқсонлардан холи эмас, деган хулосага келинди.

Меҳрибонлик уйида етим, ота-оналаридан қаровсиз қолган ва тўла давлат таъминотида бўлган болалардан муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилганлар ва никоҳдан ўтганларга энг кам иш ҳақининг 16 баравари миқдорида пул компенсацияси берилиши қонун билан мусаҳкамлаб қўйилган. Лекин Ғиждувондаги меҳрионлик уйи мутасаддилари негадир қонуннинг мазкур талабини хотираларидан фаромуш этишган. Балки улар етим ҳақига кўз тикиш гуноҳи кабира эканлигини билишмас...

Бухоро шаҳридаги кўзи ожизлар мактаб-интернатидаги аҳвол кўнгилларни янада хира этади. Мазкур масканда 480 та чойшаб, 181 та та парта ва столга эҳтиёж бор экан. Хўш, 27 та чойшаб ва 21 парта етишмаслиги инсон тақдирига бефарқлик эмасми?!

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар натижасига кўра аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқарган сабаблар ўрганилиб, уларни бартараф қилиш тўғрисида 34 та тақдимнома, қонунсиз чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларга 7 та протест киритилди. 9 киши маъмурий, 11 киши интизомий, 2 киши моддий жавобгарликка тортилди. 2 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди. 1 миллион 149 минг 824 сўмлик моддий зарар ихтиёрий тартибда ундирилди. 70971 сўмлик моддий зарарни ундириш тўғрисида тегишли судларга 3 та даъво аризалари киритилди, ҳокимларга 7 та ахборотнома юборилди.

Саид ШОДИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратурасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиги

ҲАТ — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар ИИББга қарашли хорижга чиқиш ва келиш бошқармаси бор. Бу жой ҳамиша одамлар билан гавжум. Кимдир рўйхатдан ўтиш учун келса, бошқа биров рўйхатдан чиқиш ҳаракатида. Баъзилар эса, чет элга саёҳат қилиш учун шошилишади. Хуллас, бу ерда ҳаёт қайнайди. Қўли-қўлига тегмай ишлаётган бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Қўлдош ака Қосимовнинг шу соҳада фаолият кўрсатаётганига 25 йилдан ошди.

ЮРАКЛАРДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

— Бизнинг касбимиз хизмат жараёнида ниҳоятда қатъиятли бўлишни талаб қилади, - дейди Қўлдош ака. — Президентимиз айтганларидек, биз ҳамиша огоҳ бўлиб туришимиз керак. Чунки ҳозирги пайтда енгил-елпи ҳаётга ружу қўйганлар учраб турибди. Айниқса, ёшлар орасида гиёҳвандлик дардига мубтало бўлганлар бор. Рўйхатларда бўлмаган шубҳали шахсларни ва жиноятчиларни аниқлаш бизнинг асосий мақсадимиз. Агар биз милиция ходимлари шу ҳолатларни назорат қилмасак, қаттиқ турмасак бу даҳшатли касал тобора газак олиб кетиши мумкин. Бўлимимиз фидойилари аввало ҳар қандай жиноятларнинг олдини олиш, қолаверса, жиноят қилганларнинг жазосиз қолмаслигига эришиш учун собиткадамлик билан иш олиб бормоқдалар.

Аммо шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас диёрда яшовчиларнинг бахти баркамол. Келажаги порлоқ. Юртимизда ишлайман, бой-бадавлат яшайман деганлар учун барча нарса муҳайё. Бироқ айримлар бахтини ўзга юртлардан ахтариб хору зор бўлмоқдалар. Ноқонуний юртимиздан чиқиб кетиб, бошқа жойларда бахт топишолмаяпти. Шунинг учун уларга айтадиган гапим битта: "Киндик қони тўкилган юртингизни севинг. Билимингиз, куч-қувватингиз, маҳоратингизни Ватан равнақи йўлида сарфланг. Ана шунда мамлакат қудрати ортиб, ўзингиз фаровон яшайсиз". Мабодо қонунларни менсимай ҳуқуқ бузарлик қилсангиз ҳеч қачон барака топмайсиз. Чунки қонунбузарлар йўлига бизда ишончли тўсиқ қўйилган.

Мен Ўзбекистоннинг келажагини унинг истиқболида, бой-бадавлат яшаётган одамлар чехрасида кўраман. Амалда шундай бўлиши учун биз ички ишлар ходимлари Ватанни, фуқаролар тинчлигини сақлаш йўлида ҳузур халоватимиздан кечиб хизмат қилаверамиз.

Турсунтош ЖАББОРОВА

Устоз ва шогирдлар

ЯНГИ ГУЗАР ОЧИЛДИ

Юнусобод туманининг Юнусобод маҳалласида "Турсунбой ота" гузари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Азал-азалдан маҳалла халқимизда тарбия ўчоғи сифатида қадрланади. Шунинг учун юртимиз раҳбари ташаббуси билан фуқароларни ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим жамоатчилик органи — маҳалла мавқеи қайта тикланмоқда. Маҳалла нуфузини ошириш, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг ҳуқуқини кенгайтириш борасида талай ишлар қилинди. Пойтахтдаги Юнусобод маҳалласи энг катта маҳаллалардан бири ҳисобланади. Бу ерда 3,5 мингдан ортиқ аҳоли, 700 та оила истиқомат қилади. Бошқа маҳаллаларда бўлгани каби бу ерда ҳам ободончилик ишларига катта эътибор қаратилган. "Турсунбой ота" гузарининг қурилиб фойдаланишга топширилганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Бундан буён бу ҳашаматли бино маҳалла аҳлининг тўй маъракалари учун хизмат кўрсатади.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА

Бизнинг мусоҳаба

МЎЪЖИЗАНИНГ ЎЗГИНАСИ...

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида ҳар бир соҳада ўз ўрни, ўз мавқеига эга Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда.

Мустақиллик шарофати билан давлатимиз дунёдаги қатор ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

1992 йил 2 ноябрда АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро битимга асосан АҚШ миссияси қисми ҳисобланган "Тинчлик" корпуси мамлакатимиз ҳудудида фаолият юрита бошлади.

Америкалик эр-хотин Шэрри ҳамда Спитзер АҚШ "Тинчлик" корпуси кўнгиллисидир.

Хорижий меҳмонлар билан таржимон Вероника Шин ҳамкорлигида ўтказилган мусоҳабамиз жуда қизиқарли бўлди. Шэрри ва Спитзер ўзбек тилида қийналиб бўлсада, жуда чиройли гапиришларидан хурсанд бўлиб кетдим.

— Уч ой давомида Тошкент шаҳри Қибрай туманида ўзбек тилини ўргандик, — дейди Спитзер. — Сизлардаги муомала маданияти менга жуда ёқди. Ўзбекистон баҳори.., тўғриси жаннатни эслатади. Тарихий обидалар олдида лол қолдим. Мўъжизанинг ўзгинаси...

— Мен шаҳардаги 30-мактабда ингилиз тилидан дарс бераяпман, — суҳбатимизга қўшилади Шэрри. — Мамлакатларимиз халқ таълими тизими ўртасида фарқ бор, албатта. Ўзбекистонлик ўқувчилар изланувчан, билимга чанқоқ экан. Асосийси, миллатингиз болалари меҳнатсевар.

"Тинчлик" корпуси фаолияти бўйича тузилган битимнинг 3-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига "Тинчлик" корпуси ва унинг кўнгилларига тўла ёрдам бериш, қолаверса, уларнинг мулкларини ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шэрри ҳамда Спитзер яшаётган ўзек хонадони — Ахмедовлар оиласидан миннатдор. Шерри хоним миллий таомларимиз чучвара, димлама, палов пиширишни ўрганиб олибди. Суҳбатимизни тинглаб турган Спитзер "ош, кўтарма бош", дея ним табассум билан ўзбек халқ нақлини эслади.

Бухоройи шарифдек муқаддас шаҳарни яёв айланиб, миллий маданиятимиз, урф-одату анъаналаримизни чуқур ўрганишга аҳд қилган Шэрри ва Спитзер эзгулик, тинчликни ёқлайди. Бутун жаҳон халқларини ларзага солган, қалбларни нафратга тўлдирган террор ҳақида гап кетганда, улар чуқур ўйга толишди.

— Террор даҳшатини яхши биламиз. 2001 йил фожиали 11 сентябрь ҳали ҳамон қалбимизни ларзага солади, — дейди улар.

Бугун мамлакатимиз мустақиллиги, фаровон турмушини кўролмаётган, дин ниқоби остида осойишталигимизга раҳна солишга уринаётганлар орасида миллатдошларимиз, юртдошларимиз борлиги юракка оғир ботади.

Саодатманд кунларимиздан хурсанд, Ватанимиз ўтмиши, миллатимизнинг инсонийлик фазилатларини қадрлаб юртимизга ташриф буюрган Шэрри ҳамда Спитзерлар билан суҳбатдан ифтихор туйғусини туйдик. "Тинчлик" корпуси ўз номи, фаолиятига ҳамоҳанг халқлар тинчлиги, инсоният осойишталиги йўлида хизмат қилади.

Моҳира ШАКАРОВА

НИКОҲ ВА ОИЛА

ўзининг эртанги куни учун қайғурадиган ҳар бир миллат учун қадрли

Тарихга назар ташласак, ҳамма даврларда ҳам никоҳ, оила масалаларига алоҳида эътибор ва масъулият билан қаралганига гувоҳ бўламиз. Ҳаттоки, қадимги даврларда ҳам никоҳ ва оила масалалари қонун билан мустаҳкамланиб қўйилган. Янада чуқурроқ фикр юритсак, никоҳ ва оила бежиз улуғланмаган. Миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъий назар ҳар бир халқ, элат унга ўз шаъни даражасида қараган.

Масалан, қадимги Вавилон (Бобил) давлатида оила ва никоҳ муносабатлари подшоҳ Ҳошурабби кодексининг 3-китобида ўз ифодасини топган. Бу кодексга асосан никоҳдан ўтиш шартнома асосида амалга оширилган. Бусиз ҳар қандай никоҳ ҳақиқий ҳисобланмаган.

Шу билан бирга тўй арафасида икки томоннинг бир-бирига қалин бериши ва совға олиши энг яхши урф-одатлардан ҳисобланган. Бунга асосан қуёв бўлажак қайнотасига қаллиқ учун тўлов-тирҳат, шунингдек, келиннинг оила аъзоларига совға-библу берган. Келин эса ўз отасидан тўй совғаси-шерикт олиши лозим бўлган. Оилада отанинг ўрни устун саналган.

Францияда эса оила ва никоҳ муносабатлари асосан черков ҳуқуқи ва одатлари билан тартибга солинганини кўрамиз. Бунга кўра никоҳдан ўтиш эркаклар учун 13-14 ёш, қизлар учун 12 ёш қилиб белгиланган. Бунинг устига никоҳдан ўтиш учун энг аввало ота-онанинг розилигини олиш керак бўлган.

Фақат кейинчалик бу тартибга бироз ўзгартириш киритилган. Яъни, 1639 йилда Людовик XIII ордонаси қабул қилинган. Бунга кўра ота-онанинг розилиги фақат 30 ёшга тўлмаган ўғиллар ва 25 ёшга тўлмаган қизлар учун жорий қилинган.

Қадимги Византияда оила, никоҳ масалалари православ черкови ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солиниб келинган. Никоҳдан ўтиш эса йигитлар учун 14 ёш, қизлар учун 12 ёш деб белгиланган. Шу билан бирга уч мартага қадар никоҳдан ўтиш мумкин бўлган. Аммо бева аёллар белгиланган муддатни ўтамай туриб, иккинчи никоҳга кирса, қаттиқ жазоланган. Энг муҳими, оила ва никоҳ қонунчилиги ўзининг моҳият — эътибори билан эр ва хотин ўртасидаги тенгсизликни тугатишга қаратилгани билан ҳам катта аҳамият касб этади.

Қадимги Япония қонунчилигида оила ва никоҳ муносабатлари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу қонунга асосан никоҳ ёши йигитлар учун 15 ёш, қизлар учун 13 ёшдан юқори қилиб белгиланган. Яна эътиборли жиҳати шундаки, қизни турмушга узатишда ота-она, бобо-буви, умуман айтганда, қариндош-уруғнинг рози-ризолиги олиниши шарт бўлган.

Албатта, бу қонунларда оиланинг муқаддас дея эътироф этилиши яхши. Лекин уларга бугунги кун нуқтаи-назаридан қаралганда, хурофотга йўғрилган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, бу қонунга кўра оилада аёллар ҳамда болалар бирон бир ҳуқуқга эга бўлмаган. Оиланиниг бутун изму-ихтиёри отанинг зиммасида бўлган.

Биз юқорида қадимги хорижий давлатларда оила муносабатлари, бу борада амалга жорий этилган қонунлар маъно — моҳияти хусусидагина фикр юритдик. Зеро, оила, никоҳ масалалари барча замонларда ҳам ўзининг эртанги куни учун қайғурадиган ҳар бир миллат учун қадрли саналган.

Асқарали ҲАЙДАРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси

Тажриба ва самара

Жиззах вилояти хўжалик суди қошида "Хўжалик ҳуқуқи" ўқув маркази ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмасада, вилоят аҳолиси, хусусан, деҳқон ва фермерлар, ишбилармонтадбиркорларга юридик хизматлар кўрсатиб, эл-юрт орасида катта шуҳрат қозонмоқда.

ФЕРМЕРЛАР ТАЯНЧИ

— Машғулот жараёнларини малакали судьялар, прокуратура, солиқ, банк ходимлари ўтказмоқда, — дейди ўқув маркази раҳбари Бердибек Одилов. — Вилоят ҳокими ташаббуси билан вилоятдаги барча фермер хўжаликлари раҳбарларини бепул ўқитиш йўлга қўйилди. Шу қисқа муддат ичида уларга барча соҳалар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, сертификатлар топширилмоқда. Уларни дарсларга тўлиқ қатнашиши учун туман ҳокимликлари техника билан таъминлаяпти.

Дарҳақиқат, вилоятлар хўжалик судига ўтган ойлар мобайнида тадбиркор ва фермерлар томонидан 210 та даъво аризалари келиб тушган. Жумладан, Жиззах туманидаги "Исоқ ота" фермер хўжалиги раҳбари Икром Ёқубов мазкур ўқув маркази очилганлиги ва у ерда ҳуқуқлари бузилган фермерларга етарли имкониятлар мавжудлиги ҳақида эшитиб нажот истаб келди.

Икром Ёқубов 2003 йил 17 мартда Жиззах туман МТП АЖ билан шатнома тузган. Шартномага кўра, МТП фермер хўжалигига "Магнум" трактори билан 10 гектар пахта ва 10 гектар ғалла майдонини ҳайдаб, ғаллани ўриб бериши керак эди. Фермер хўжалиги эса ижрочи бўлган МТПни 15 кун олдин аванс маблағи билан таъминлаши, қолган қисмини томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан 90 кун давомида тўлаши керак эди. Аммо иш бу тартибда бўлмади. МТП 2003 йилнинг март ойидан то сентябрь ойигача жами 279 минг 732 сўм (шартнома бўйича 43 фоиз) пул маблағини аванс пули тарикасида фермер хўжалигидан ундириб олган. Бундан ташқари МТП 2003 йилнинг 13 январида 24 минг сўмни кўрсатилган хизматлар учун, 7 апрелда 48 минг сўмни пахта транши, 5 августда 349 минг 156 сўмни тузилган далолатномага асосан деб (жами 412 минг 156 сўм) ноқонуний равишда ундириб олган. Булар ҳали ҳаммаси эмас. МТП тракторчилари ҳам кўнгли очиқ фермернинг "саховати"дан бебаҳра қолишмаган. Улар Икром акадан 360 литр солярка ва 6 литр мотор мойини олиб жуфтакни ростлашади. Энг ачинарли томони шундаки, шунча маблағ сарфласа ҳам Икром акага қарашли ер майдонлари ҳайдалмай қолиб кетади. Натижада фермер хўжалиги режадаги 24 тонна пахтани давлатга сота олмаган.

Хўжалик ишини олиб борган судья Абдунаби Қаҳҳоров томонидан жавобгар етказилган зарарни тўлиқ тўлаши лозим деб топилди. Ва жавобгар Жиззах туман МТПдан "Исоқ ота" фермер хўжалиги фойдасига жами 3 миллион 111 минг 273 сўм ундириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Вилоятимизда мазкур ўқув маркази ташкил этилгани боис ўз ҳақ -ҳуқуқини ҳимоя қиладиган фуқаролар, ишбилармон ва тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Назаримизда, бошқа вилоятларда ҳам ана шундай ўқув марказлари ташкил этилса фойдадан холи бўлмайди.

Гулмира СУЮНОВА,
Жиззах вилоят хўжалик суди қошидаги "Хўжалик ҳуқуқи" ўқув маркази катта услубчиси

Журналист суриштируви

Халқимизда бир кун жанжал бўлган жойда қирқ кун барака кўтарилади, деган нақл бор. Бу — ҳақ гап. Аммо Денов шаҳрининг Остонақулов кўчасида жойлашган 61-уйнинг 2-хонадонидан нафақат файзу-барака кўтарилди, балки, унга қарғиш ҳам тегди.

НОТАРИАЛ ИДОРАДАГИ ЎЙИНЛАР

қачон интиҳосига етади?

— Тақдир тақозоси билан Олия Абдураимовага тегишли бўлган бу хонадонни 2002 йилнинг июнида бир ярим миллион сўмга сотиб олдим, — дейди Зулфия Юлдошева. — Шундан бир миллион сўмини бердим ҳам. Аммо орамиздаги ушбу савдо оғзаки бўлган эди. Бундай дейишимнинг боиси бор, албатта. Чунки олди-сотди шартномасини нотариус орқали расмийлаштириш учун бир неча марта Денов туман 1-нотариал идораси нотариуси Ўткир Раҳмоновга учраштдим. Унинг бугун, эрта, индинга ҳал қиламиз, деган ваъдалари билан ойлар, йиллар ўтди. Бунинг оқибатида 4 нафар фарзандим билан ҳозир турли уйларда ижарада яшаб юрибман. Турмуш ўртоғим Ибрагим Юлдошев 1991 йили оламдан ўтган. Бошимга тушган можаролар боис ҳозир на уй-жойим, на берган маблағим бор?..

... Орадан бир йилу уч ой вақт ўтгач, Зулфия Юлдошева фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига Олия Абдураимовадан "Бир миллион сўм сарф-харажатини ундириш ҳақида"ги даъво ариза билан мурожаат қилди. 2003 йилнинг 11 сентябрида судья Абдуманнон Ботиров раислигида кўрилган фуқаролик ишида қуйидаги қарор қабул қилинди:

"Даъвогар даъвоси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар Абдураимова Олиядан даъвогар Юлдошева Зулфия фойдасига олган қарзининг 500.000 сўми ундирилсин.

Даъвогар ва жавобгар давлат фойдасига тўланадиган давлат божидан озод қилинсин..."

Буни қарангки "уй операцияси" аслида 2001 йилда бошланган экан. Яхши бузоқ қўш сигирни эмади, деганларидек Олия Абдураимова ушбу хонадонни 2001 йилда Фазлиддин Ўтагановга бир миллион сўмга сотган экан. Ваҳолангки, 61-уйнинг 2-хонадони эгаси — Ҳаёт Абдураимовнинг вафотидан сўнг бу жой унинг қизлари — Олия билан синглиси Наталья Баришевага мерос бўлиб қолган эди. Наталья Россияга кўчиб кетгач, Олия синглисининг иштирокисиз бу уйни сотиб юбориш ҳаракатига тушди.

... 2001 йилнинг 5 сентябрида Денов туман 1-нотариал идораси нотариуси Ўткир Раҳмонов қонунга зид равишда ушбу можароли хонадоннинг олди-сотди шартномасини тасдиқлаб берди. Шундай қилиб, Фазлиддин Ўтаганов уйлижойли бўлди. Бу билан нотариус илк қовун туширди.

... Аслида, 2003 йилнинг 11 сентябрида бўлиб ўтган суд мажлисидан аввал, яъни 2002 йилнинг 22 апрелида фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди шу олди-сотди шартномаси билан боғлиқ фуқаролик ишини кўриб чиққан эди. Фахриддин Ашуров раислик қилган мазкур суд ишида даъвогар Фазлиддин Ўтагановнинг жавобгар Моҳира Маърупова (ижарада яшовчи)га нисбатан "Мажбурий тартибда уйдан чиқариш тўғрисида"ги даъвоси бўйича ва Денов туман прокурорининг жавобгар — Денов туман 1-нотариал идораси нотариуси Ўткир Раҳмоновга нисбатан "Қонун бўйича меросхўрлик тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақида"ги ва "Баришева Наталья ва Ўтаганов Фазлиддин ўртасидаги уйни олди-сотди қилиш ҳақидаги шартномани бекор қилиш ҳақида"ги даъвоси рад қилинсин.

Даъвогар Ўтаганов Фазлиддиннинг жавобгар Маърупова Моҳира ва Гайдаров Маъруфга нисбатан "Мажбурий тартибда уйдан чиқариш ҳақида"ги даъвоси қаноатлантирилсин.

Жавобгарлар Маърупова Моҳира ва Гайдаров Маъруфлар Денов туман Остонақулов кўчаси 6-уй, 2-хонадондан мажбурий тартибда барча оила-аъзолари ва мол-мулклари билан чиқарилсинлар..."

2003 йилнинг 26 февраль куни фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судида судья А.Ботиров раислигида Денов тумани прокурори ёрдамчиси Н.Ҳусановнинг иштирокида даъвогар Абдураимова Олиянинг жавобгар Ўтаганов Фазлиддин ва Денов туман 1-нотариал идораси нотариуси Ўткир Раҳмоновга нисбатан "Хусусий квартирани олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва уйда оила-аъзолари билан бирга мажбурий тартибда чиқариш ҳақида"ги фуқаролик иши ниҳоясига етди. Унда қуйидагича қарор қабул қилинди:

"Даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилсин.

Даъвогар Баришева Наталья билан жавобгар Ўтаганов Фазлиддин ўртасида Денов туман 1-нотариал идораси томонидан 2001 йил 5 сенябрь куни тузилган Денов шаҳар Остонақулов кўчаси 61-уй 2-хонадоннинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топилсин ва бекор қилинсин.

Жавобгар Ўтаганов Фазлиддин бутун оила-аъзолари ва мол-мулклари билан Денов шаҳар Остонақулов кўчаси 61-уй, 2-хонадондан кўчирилсин..."

Нотариуснинг имзосию, муҳри эвазига кўпчилик шундай сарсон-саргардон бўлди.

Орадан роса 7 ой ўтгач, 2003 йилнинг 24 сентябрида навбатдаги суд мажлиси бўлиб ўтди. Фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманлараро суди судьяси Ж.Боботов раислигида томонлардан даъвогар вакили О.Бутаева иштирокида даъвогарлар — Абдураимова Олия, Баришева Натальяларнинг манфаатини кўзлаб, жавобгарлар — Ўтаганов Фазлиддин ва Денов туман 1-нотариал идорасига нисбатан "Хусусий квартиранинг олди-сотди шартномасини бекор қилиш, уй-жойдан кўчириш ҳақида"ги ва даъвогар Ўтаганов Фазлиддиннинг жавобгар Абдураимова Олияга нисбатан "Даъвони рад қилиш ва келтирилган зарарни ундириш тўғрисида"ги фуқаролик иши кўрилди. Суд қарорида қуйидаги тўхтамга келинди:

"Даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилсин.

Даъвогар Баришева Наталья билан жавобгар Ўтаганов Фазлиддин ўртасида Денов туман 1-нотариал идораси томонидан 2001 йил 5 сентябрь куни тузилган Денов шаҳар, Остонақулов кўчаси 61-уй 2-хонадоннинг олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилсин ва бекор қилинсин.

Жавобгар Ўтаганов Фазлиддин оила-аъзолари ва мол-мулки билан Денов шаҳар Остонақулов кўчаси 61-уй 2-хонадондан мажбурий тартибда кўчирилсин.

Даъвогар Ўтаганов Фазлиддиннинг жавобгар Абдураимова Олияга нисбатан маънавий зарар, келтирилган зарар, даъвони рад қилиш ҳақидаги даъволари рад қилинсин."

Суд ишларига даъвогарлар билан жавобгарлар анча қўникиб қолишди. Оворагарчиликларнинг эса ҳали-бери чегараси йўқдай. Барчанинг нигоҳи бир нуқтага қадалган — интиҳо нима билан якун топади?

Суднинг қатъий қароридан кейин ҳам Фазлиддин Ўтаганов уйни тарк этишни хаёлига келтирмади.

Зулфия Юлдошеванинг судмасуд югураверіб силласи қуриди. Устига-устак касалманд Олия Абдураимовани ҳам 2001 йилдан буён ўзи ижарада яшаётган уйга кўчириб келиб, уни парвариш қилаётган, даволатаётган эди.

Бироқ охирги пайтларда Олия Абдураимованинг аҳволи табора оғирлашиб борарди. У шу йилнинг 4 майида касалхонада армон билан оламдан ўтди.

Туман марказий шифохонасидан 2004 йил 5 май куни олинган 12-рақамли маълумотномада шундай дейилади: **"... 1961 йилда туғилган Олия Абдураимова ҳақиқатан ҳам Денов туман марказий касалхонасининг жонлантириш бўлимига 2004 йилнинг 3 май куни соат 13.00 да оғир аҳволда келтирилган ва 4 май куни соат 6.40 да вафот этган...**

Бўлим бошлиғи: Ҳакимов Х
Навбатчи врач: Бердиев Х. "

... Олиянинг вафотидан аввал нотариус Ўткир Раҳмонов яна қовун туширган эди. Чунки 3 май куни у тасдиқлаб, муҳр ва тамға қўйиб берган тилхатда шундай дейилади: **"Мен Абдураимова Олия Ўтаганов Фазлиддин билан Абдураимова Олия ўртасидаги Денов шаҳар Остонақулов кўчаси 61/2 хонасининг ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни илтимос қиламан.**

Мен, бошқа ушбу низоли уй бўйича даъво қилмайман. Ўзимни низоли уйдан келишилган уй суммасини тўлиқ олдим.

Юлдошева Зулфияга синглим Баришева Наталья номидан низоли уйга даъво қилиш судга қатнашиши ҳақидаги ишончнома сохта берилган. Менинг иштирокимсиз, мен томондан уй-жойни нотариал идорасига олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш, аризасини кўрмасдан қолдиришни илтимос қиламан.

Мен Абураимова Олия ўз ихтиёрим билан Юлдошева Зулфиянинг уйидан кетдим."

Ушбу тилхатдан нотариус Ўткир Раҳмонов шодланган бўлса ажаб эмас. Чунки, йиллар давомида уни изтиробга солган "қайғулар" хамирдан қил суғургандек енгил амалга ошганди. Бироқ, ушбу тилхатни Олиянинг ўзи ёзганми, ёхуд, сохтами бу ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади. Чунки касалхонада ўлим билан олишаётган бемор қандай қилиб тилхат ёзган бўлиши мумкин? Ваҳоланки, ўша кунларда навбатдаги суд мажлиси Қўмқўрғон туманида давом этаётганди. Олиянинг вафоти эса барча-барчасига нуқта қўйди. 10 май куни қўйидагича ажрим қилинди:

"Фуқаролик давогари Абдураимова Олия 4 май 2004 йилда вафот этганлиги муносабати билан унга тегишли бўлган фуқаролик иши иш юритувдан тугатилсин.

Раислик эувчи:
Дўстмуратов Х.А."

Ниҳоят низоли уйнинг можароси интиҳо топибди-да, деган фикрга борган бўлсангиз янглишасиз. Қарангки, мазкур хонадон устидан можаролар қизғин давом этаётган паллада — яъни, 2004 йилнинг 28 февралида Фазлидин Ўтаганов ушбу уйни Саломат Ражабовага сотиб юборади. Олди-сотди шартномасини яна нотариус Ўткир Раҳмонов расмийлаштириб, тасдиқлаб беради. Бу ҳолатни кўриб тааҳжубдан ёқа ушлайсан. Нотариал идорадаги шундай расмийлаштиришлар эвазига фуқароларнинг ҳақ- ҳуқуқлари бузилаётганлигидан дилинг ранжийди. Бунга мисол тариқасида 2004 йил 28 февралда расмийлаштирилган юқоридаги олди-сотди шартномасининг 3-бандига кўз югуртирамиз. Унда жумладан шундай дейилади: **"Ушбу шартномага қадар мазкур квартира ҳеч кимга сотилмаган, гаровга қўйилмаган, низода бўлмаган, арестга олинмаган ва бировга ўтказилиши таъқиқланмаган."**

Ана кўрдингизми, бир хонадонни олди-сотди шартномасини бир неча маротаба расмийлаштирган нотариуснинг ўз вазифасига бўлган муносабатини. Оқибатда мазкур жой қайта-қайта сотилди. Низоли хонадонга айланиб, етти маротаба кўрилган суд ишига сабабчи бўлди. Хуллас, нотариал идорада ана шунақа ўйинлар бўлиб ўтди. Энди кўрайликчи, буёғи нима бўларкин?!.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
журналист

ҲИКМАТЛАР

Инсоннинг шахсий саодатини ва камолотини таъмин этиш тарбиянинг асл мақсадидир.

Баданни ювиб, тозалаб туриш лозим, буни ҳеч ким инкор этмайди. Шу билан бирга, қалбни ҳам пок-соф ҳолда тутиб, гўзал ахлоқли, тарбияли бўлиш яна ҳам яхшироқдир.

Ҳаётда бадан ва фикр-нигина тарбия қилиш кифоя қилмайди, хулқ-атворни ҳам тарбия қилиш зарурдир.

Фарзандларга гўзал тарбия бермаган одам ўз оиласининг бахт-саодатини барбод этади, кулфат ва машаққатларга гирифтор қилади.

Эй йигит, агар сенга иззат, шараф, обрў ва улуғ мартабага эришиш керак бўлса, хуш феъл-атворли бўл, ҳеч кимга ёмонлик истама, яхшилик қил.

Эркакларга ҳарорат кўзи билан эмас, эътибор кўзи билан, хотин-қизларга шафқат ва марҳамат кўзи билан қара.

Ҳар ким тилини тийса, тинч ва саломат яшайди, кўнглига нима келса, шуни валдираб сўзлаб юрган киши фалокатга учрайди.

Яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик ҳам қилма, ножўя ишлардан сақлан, бу ҳам ўзига кўра яхшиликдир.

Ўзинг кўтара олмаган сўзларни бошқаларга сира ҳам юклама.

Тўғри сўзлаган, тўғри ишлаган ва қўлидан келгунча ҳар кимга яхшилик қилган одам нажот топади, иззат-обрўга эга бўлади, умрини роҳатда кечиради.

Одам боласининг орзу ва муродга эришмоғи фақат хушмуомалалик соясида ҳосил бўлади.

Кўшниларини иззат ва ҳурмат қилмайдиган, уларнинг дилларини оғритадиган одамдан ҳамма нафрат қилади, у одам ўз обрўсини йўқотади.

Ота-она тарбияси қандай ҳолда бўлса, боласи ҳам шундай тарбияда ўсиб етишади. Шунинг учун аввал ўзимиз гўзал тарбияли бўлайлик, болаларимизни ўзимиздек, гўзал тарбияли қилиб ўстирайлик.

Ҳар бир сўзни ҳақиқат деб сўзлай бериш хато, аммо ҳақиқий сўзни тинглаш ва унга амал қилиш фарздир.

Ўзининг илмига, мартабасига мағрур бўлиб кеккайиб кетиш жоҳилликнинг бир хилидир.

Тарбиядан улуғроқ нарса йўқ. Тарбия соясидагина инсон ҳақиқий инсон бўлади.

Ота-онасининг розиликларини олишга ғайрат қилиб, уларга ширин сўз, очиқ юз билан муомала қилган фарзанд олқишга сазовордир.

Сўзлаб турган кишининг сўзини бўлиб сўзга чиқиш - жаҳолат асари, у одам ўз сўзини тамом қилгандан кейин рухсат билан сўз олиш одоб, тарбияга мувофиқдир.

Улфатнинг шарти кулфатни тарк қилишдир.

Шошқалоқлик - пушаймонликнинг синглиси.

Назм гулшани

УМРИНҒНИНҒ БЕЗАК ҒУЛИ АСЛИДА ҲИЖРОН ДОҒИ

Истардимки,
Остонанг узра
Бедор термулиб,
Ишқ тиланиб
Кўчангдан мендан
Ўзга ўтмаса!
Оринг—чўққи,
Номусинг тоғдир.
Паймонам тўлиб,
Мендан бошқа
Бу юксакликка
Ҳеч ким етмаса!
Яшасак шод,
Яшасак баланд,
Яшасак кулиб,
Иккимиздан
Замон ўтса ҳам
Даврон йитмаса!
Балки Мажнун,
Балки Фарҳоддай
Кетсам-да ўлиб,
Севгимизни
Мадҳ этган узун
Достон битмаса!!
Ҳеч бўлмаса,
Мен — зўр сайёду
Сен — Жайрон бўлиб,
Отган ўқим
Хато бўлса-да
Хато кетмаса!..

ОНИЙ ТАСАВВУР

Аё, пари, паришонсан,
Термуласан жим, ўйчан.
Пала-партиш орзуларинг
Жой талашар ўйингдан.

Орзуларинг оққушдай мўл,
Ўйинг эса — мавжли кўл.
О, бу қушлар мудрар беҳол,
Қанотлари жиққа ҳўл.

Кўл-чи, бетин мавжланади...
Тўлқинларга ғам инади,
Ғамдан халос бўлмоқ истаб
Қирғоқларга интилади.

Қирғоқ мағрур кеккаяди...
Кеккайганни ким суяди?!
Шашти синган тўлқинлар
Ортга қайтиб, тин олади.

Ҳайҳот, қалби нотинч урар —
Оққушлардан парвоз кутар.
Чўкиб кетар умидлари —
Учолмайди, оҳ, оққушлар...

ТЕПКИ

Аввал боплаб тепди хумпар,
Сўнг оҳиста берди изоҳ:
— От тепкисин от кўтарар,
Бундан буён юр сал узоқ.

Бечора от ингради-я
Кишнамасдан, пишнамасдан.
Чидолмасди ҳатто туя,
Балки фил ҳам оларди тан.
Қовурғаси қисирлади,
Зирқиллади бели шу он.
Аммо зинҳор билдирмади,
Гарчи оғриб азоб ер жон.

Илгариям титиб охур
Отдан тепки еган эди.
Бу галгиси кечди оғир,
Чунки хачир тепган эди.

ҚАДИМ ҒОРДАГИ "БИТИК"

Бу ерга ҳайвонлар расмини чиздик,
Гарчи мусаввирлик даъвоимиз йўқ.
Оталар изидан бориб юрт туздик,
То ёғий бор экан кўнгил бўлмас тўқ.

Қалб кўзи билан боқ бу сувратларга:
Магар йўлбарс бўлсанг, бу суврат—сенсан!!!
Ҳеч вақт имкон берма тулки, итларга,
Ортиқ мағрур бўлма ёвларни енгсанг!

Барча насиҳатни ёзолмагаймиз,
(Чунки душманинг ҳам ўқиши мумкин).
Мудом ота юртни асрай ол,ҳаргиз,
Бепадар кимсалар бегона бўлсин.

Бу ғорнинг сеҳрини ташбеҳ этсак гар —
Эртанги кунингга сирли йўлакча!
Шоирнинг гапига қулоқ тутинглар,
"Оҳ" деса шоирнинг "оҳ"и бўлакча...

* * *

Ишқ нима, билмасанг, айт қандай кассан,
Ҳайём пиёласин четида дарзсан.
Оқибат кимгадир сабоқсан, дарссан,
Вале, бу гўшада меҳмон эмассан.

Шеърият чўнг йўл бўлиб, даҳоларга юзландим,
Гётега лол бўлиб, Пушкиндан сир изландим.
Алар тутандириғи ўт бериб ўзим ёндим,
Ай, дўст!
Бу ишқ боғинда ҳеч дам мезбон эмассан.

Навоий-ку пок ишқни қайта-қайта куйлади,
Жомий, Деҳлавий оша Ганжавийга бўйлади.
Ўзин ошиқ билганда лек шивирлаб сўйлади,
Маъшуқангга бақирсанг, ишққа султон эмассан.

Ғоят гўзал ва сирли сервиқор севги тоғи,
Жаннатий лаззат эрка насимларин ардоғи.
Умрингнинг безак гули аслида ҳижрон доғи,
Севгига соҳиб бўлмай сира шодон эмассан!

Юракка чин севишни ҳеч ўргатиб бўлмагай,
Раддан сохта куйишни ўринлатиб бўлмагай.
Зиғирча ишқинг бўлса, ўсгай, зинҳор сўлмагай,
Дилингда дардинг бўлса, минбаъд, нодон эмассан!

Қалбингда шунча ҳис борки, муқаррар
Бир пари пайкарни севгансан, Сафар,
Муҳаббат олдида тиз чўкмасанг гар
Ҳурматга муносиб инсон эмассан.

ЎҚ

Ўқ узилди осмонга қараб,
Шиддат билан учди шу заҳот.
Милтиқ оғзин ўт билан ялаб,
Бироз тутун қолдирди, ҳайҳот.
Товуш каби тез эди шашти:
Ҳаводаги катта-кичик куч
Дош беролмай бир-бир бўшашди,
Зўр яшинга келган мисол дуч.
Шу боришда булутни ёриб,
Чиқиб олиб фалак томига
Туширмоқчи қуёшни уриб
Ва тортмоқчи ернинг домига.
Ўқ учарди визиллаб тикка,
Лаҳза сайин олислаб ердан.
Ҳали етмай туриб булутга
Иссиқ жисми совуди бирдан.
Режаларин зумда унутиб,
Бехос қайтди келган жойига —
Боши билан тушди "тап" этиб,
Снайпернинг шундоқ пойига...

Сафар ОЛЛОЁР

«Адолат» кутубхонаси

П. Кумор КАВШАЛ, Ҳинд ёзувчиси

ГИРДОБ

Ҳикоя

Боши бинт билан боғланган Дину суви бетўхтов кўтарилиб бораётган даҳшатли дарёнинг қирғоғида ўтирар эди. Дарахтга бир қайиқ боғлаб қўйилган. Дину кимнидир кутиб, най чалиб ўтирарди. Най товушини эшитиши биланоқ қиз барча ишини ташлаб югуриб келади, деб умид қиларди. Мана най чала бошлаганига икки соат бўлди, лекин қиздан ҳамон дарак йўқ. Дину охири чарчади.

Момақалдироқ гумбурлар, чақмоқ чақар, шамол тобора кучайиб борар эди.

Динунинг най чалишга ортиқ мадори қолмади. У бутунлай умидини узиб, совуқ қумга ётди.

- Камму! Келгинг йўқ экан, нега сўз бердинг, - деб пичирлади-да, ўтмиш хотираларига берилиб кетди.

***

Дарёнинг икки қирғоғида иккита балиқчилар қишлоғи бор эди. Ўтган йили шу икки қишлоқ балиқчилари ўртасида мусобақа бўлди. Бундай мусобақалар ҳар йили бўлиб турарди. Охирги мусобақада Дину сувга шўнғиш ва эшкак эшишда биринчиликни олди. Ҳаттоки қишлоқ оқсоқолининг ўғли Чҳажу ҳам ундан орқада қолди. Чҳажуга бу мағлубият жуда оғир ботди. Бошқа бир қишлоқ оқсоқолининг қизи Камму бўйнига гулчамбар осганда, Дину шодлигидан ўзини йўқотиб қўяёзди. Мана энди у Каммуни кутиб ётар, қизнинг: "Худога шукр, ҳар икки қишлоқдагилар орасида фақат сиз бу такаббурни димоғидан тушириб қўйдингиз", деган сўзлари унинг қулоғи олдида ибодатхонанинг қўнғироқчалари каби майин жаранглаб турар эди.

***

Бир куни Камму тушган қайиқ гирдобга дуч келиб, тўнкарилиб кетишига сал қолди. Ҳеч ким Каммуни қутқаришга журъат этолмади. Шунда Дину ҳеч нарсадан қўрқмай, ўзини гирдобга ташлади ва Каммуни қирғоққа олиб чиқиб, ҳушига келтирди. Шу кундан бошлаб Камму уни яхши кўриб қолди. Дину ҳар кеча Камму билан қайиқда сузар, қайиқни оқимга қарши ҳайдаб, қишлоқдан узоқ-узоқларга олиб борар эди. Кейин Дину қирғоққа чиқиб, най чалар, Камму эса ўзида йўқ кувониб ўйнар эди. Қиз ўйнаб-ўйнаб чарчагандан кейин кўкат устига ётиб олар, Дину эса бармоқлари билан унинг узун, қора, ажойиб сочларини соатлаб ўйнаб ўтирар эди. Улар қайиқни дарёнинг оқимига қўйиб, орқага қайтаётганларида осмондаги юлдузлар хиралашиб, аранг кўриниб турарди. Қирғоққа чиққандан кейин Дину Камму билан хайрлашиб ўз қишлоғига қайтар эди. Қоп-қоронғи тунларда ҳам, ойдин кечаларда ҳам, бўрон турганда ҳам, ҳаво тинч бўлганда ҳам, барибир Дину ҳар куни Каммуларнинг қишлоғига қайиқда сузиб келиб, най чалар эди. Камму эса найнинг овозини эшитган замон барча ишини ташлаб, Динунинг олдига югурар эди.

***

Бир куни шундай воқеа бўлди. Дарёда сув кўтарилиб бормоқда эди. Дину зўр бериб қайиқни оқимга қарши ҳайдайверди. Камму қўрқиб кетиб:

- Дину, бугун дарёда гирдоб жуда кўп, - деб юборди.

Дину кулиб:

- Ҳечқиси йўқ, Камму. Дарё гирдобидан чиқиш - замон гирдобига тушиб, ундан чиқиб олишга қараганда осон, - деди.

- Дину, гапингизга тушунолмадим, - деди соддалик билан Камму.

Дину гапни бошқа ёққа буриб:

- Камму, қачонгача бошқалардан яшириниб учрашиб юрамиз? - деб сўради қиздан.

Камму нима дейишини билмай, узоқларга кўз тикиб қолди. Қайиқ қирғоққа келиб тўхтади, иккаласи қирғоққа чиқди. Лекин бугун Дину най чалмас, Камму эса ўйнамас эди.

- Камму, ахир айтсанг-чи, токайгача қишлоқдагиларни алдаб юрамиз? - деб сўради Дину тўсатдан.

- Дину, мен сизникиман, фақат сизникиман. Дунёда ҳеч қандай куч бизни ажратолмайди.

- Ўзинг биласан-ку, Камму, мен бир балиқчи чолнинг ўғлиман, сен бўлсанг қишлоқ оқсоқолининг қизисан. Бу бевафо дунё бизни жудо қилмаса деб қўрқаман.

- Йўқ, Дину, бундай бўлиши мумкин эмас. Агар биров мени сиздан жудо қилгудек бўлса, бир вақтлар гирдобга тушиб қолганимда қутқариб олган эдингиз-ку, ўша гирдобга ўзимни ташлайман.

- Йўқ, Камму, бундай дема, ахир чўкиб кетиш ҳамманинг қўлидан келади, лекин ҳар ким ҳам қирғоққача сузиб бора олмайди. Фақат умидсизликка тушма.

- Жаҳонда бирдан-бир таянчим сизсиз, Дину, менинг таянчим - сизнинг бақувват қўлларингиз. Фақат сизнинг қўлларингиз мени гирдобдан олиб чиқа олади.

Уларнинг иккови ҳам жим қолди. Тонг ота бошлади... Уфқни шафақ қоплади. Дину билан Камму ширин уйқуда эдилар. Қушларнинг сайраши Каммуни уйғотиб юборди. Қиз чўчиб кетди. Қуёш кўтарила бошлаган эди. У Динуни уйғотиб:

- Энди нима қиламиз, кун чиқиб қолибди-ку? Ота-онам мени қидиришга тушган бўлсалар керак, - деди.

Қайиққа тушишди. Дину сув оқими бўйлаб бор кучи билан эшкак эша бошлади.

- Дину, бу ёққа қаранг, ана дадам билан Чҳажу биз томонга сузиб келишяпти. Энди нима қиламиз?

Қўрқувдан уни титроқ босди.

- Камму, сен эшкакларни олиб, қайиқни ҳайдаб кетавер, сўрашса, эрталаб ўйнаб келгани чиқувдим, дейсан.

- Сиз-чи?

- Мен сувга шўнғиб кетаман.

- Ҳали қишлоқ узоқ-ку, оқим ҳам жуда тез.

- Сен мендан ташвишланма.

Дину эшкакларни Каммунинг қўлига бера туриб:

- Эртага албатта келгин, - деди-да, муздек сувга шўнғиб, йўқ бўлиб кетди.

Бир неча вақтдан кейин сув юзида Динунинг боши кўринди.

Бу вақтда Каммунинг қайиғи отасининг қайиғи билан ёнма-ён турарди. Дину оқсоқолнинг қаҳрли овозини эшитди.

- Камму, қаерга бординг?

- Эрталаб бироз ўйнаб келгани чиқувдим, - деди Камму.

- Амаки, ишонманг, бу ёлғон айтяпти. Қандай қилиб у шундай узоқ жойгача қайиқни бир ўзи оқимга қарши ҳайдаб кела олади? Ҳойнаҳой, Дину ҳам шу ерда бўлса керак. Мен унинг сувга шўнғиганини кўрдим, - деб бақирар эди Чҳажу.

Дину дарҳол сув остига шўнғиб кетди.

***

Эртаси куни ҳам у қайиқда келиб, Каммуни кутди, лекин қиз келмади. Дину ҳар куни келиб қизни кутар ва уни кўролмай қайтиб кетарди.

Ўн беш кун ўтиб кетди, қиздан ҳамон дарак йўқ. Динунинг умид-орзулари хазон бўлди. Қоронғи кечалар тугаб, уларнинг ўрнини ойдин кечалар эгаллади. Ой ерга кумуш нурларини ёғдирди. Қайиқ ҳамон қирғоқ ёнида турар, Дину эса қумда най чалиб ётар эди.

- Дину!

Бу товуш Каммунинг товушига ўхшаб кетди.

- Ким бу? Камму? - сескониб кетди у. - Келдингми, Камму, албатта келишингга ишонар эдим.

Дину югуриб бориб, уни бағрига босди.

- Камму, неча кундан бери кўрмай, қийналиб кетдим-ку. Қандай хавотир бўлганимни билсанг эди.

- Бошқа иложи йўқ эди, Дину. Дадамлар урдилар. Ҳали ҳам орқам қабариб ётибди.

Қиз йиғлаб юборди.

- Йиғлама, Камму. Бу йўлдан юрган кишилар ҳар доим шундай қийинчиликларга дучор бўлади.

- Энди нима қиламан? Бу қанақа ноинсофлик. Дадам мени Чҳажуга бермоқчи. Тўй якин қолди.

- Парво қилма, бирон нарса ўйлаб топармиз.

- Дину, сиз ҳар куни эрталаб ҳув бир милча пастдаги боққа келиб туринг, мен ўша боққа ҳар куни чўмилгани бораман.

- Хўп, албатта бораман. Камму, биров келаётганга ўхшайди, энди бора қол, - деб шивирлади Дину.

***

Улар боғда учрашадиган бўлишди.

Бир куни улар анбаҳ дарахти тагида суҳбатлашиб ўтиришарди. Қандай қилиб Чҳажу келиб қолганини билмай қолишди. Чҳажу келиб Динуни бир урди, Дину ҳушидан кетди. Камму қичқириб юборди. Шундан кейин Дину Камму билан бошқа кўриша олмади. Камму ўртоғи Плуа орқали Динуга хабар юборди:

"Бугун менинг тўйим, лекин мен умрбод сизники бўламан деб қасамёд қилганман. Мени кутинг, албатта бораман".

Динунинг аъзойи-бадани титраб кетди.

Камму Динунинг олдига етиб келиб:

- Дину, мен келдим. Қишлоқдагилар менинг қочганимни билиб қолишди, - деди.

- Камму, энди биз барча кишанларни яксон қилдик. Йўлимиздаги барча тўсиқларни улоқтириб ташладик.

Дину Каммунинг қўлидан ушлаб, қайиқ томонга бошлаб борди. Улар қайиққа ўтиришди. Ёмғир бошланди. Бешик-бешик тўлқинлар қайиққа урилар эди. Қайиқ қирғоқдан анча узоққа кетиб қолди. Қирғоқда бир неча чироқлар кўринди.

- Камму, қайт орқангга! - деб чақирар эди оқсоқол.

Чҳажу ўзини сувга ташлаб, қайиқ олдига сузиб келди. Дину эшкак билан Чҳажунинг бошига бир туширган эди, жон берди-қўйди. Тўлқинлар Чҳажунинг жасадини олиб кетди.

- Қайиқни қаёққа ҳайдаб кетяпсиз? - деб сўради Камму.

Қиз ўйлаб юборди:

- Ўйлаб кўрдим, Камму, ҳеч ким ҳеч ким ҳеч ким